**Ушбу сонда:**

2 *Болалар ёзи — катта имтиҳон* ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

3 TV — ДАСТУРИ

4 МУСИҚА САНЪАТИ *Тезкор аср авлодлари тафаккурида у қандай шаклланмоқда?*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 2 июн, шанба №85 (1099)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МДҲ: НАВБАТДАГИ САММИТ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Беларус пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.***

- МДҲнинг навбатдаги саммитида ўндан ортиқ масала кўрилиши кутилмоқда, - деди давлатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервюсида. - Уларнинг энг муҳимлари иқтисодий соҳага оиддир. Сўнгги йилларда эркин савдо ҳудудини яратиш борасида кўп гапирилмоқда. Афсуски, бу масалада ҳали ҳам қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти. МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ушбу масалага жиддийроқ тўхталиш зарур, деб ўйлайман.

Хавфсизлик, МДҲга аъзо мамлакатларнинг барчаси учун энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бу масала саммитда алоҳида муҳокама этилиши, шубҳасиз.

***

«Минск миллий аэропорти»да Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Беларус Бош вазирининг ўринбосари М.Демчук ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари Беларус пойтахтидаги «Фрунзе, 15» қароргоҳига жойлашди. Шу ернинг ўзида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида томонлар МДҲ, ГУУАМ сингари халқаро тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик ва МДҲда эркин савдо зонаси тузиш борасида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Беларус Президентининг қароргоҳида МДҲ саммитига ташриф буюрган давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда бир кун илгари ҳукумат раҳбарлари ва ташқи ишлар вазирлари кенгашларининг мажлисларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, эришилган келишувлар ва қабул қилинган қарорлар муҳокама қилинди. Шунингдек, давлат раҳбарлари кенгашининг 2003 йилгача жиноятчилик, террорчилик ва экстремизмнинг турли кўринишларига қарши биргаликда чоралар кўриш тўғрисидаги қарори, 2000 йил 1 декабрда бўлган Минск саммити қарорлари, Эркин савдо зонаси тузиш тўғрисида 1994 йилда имзоланган битим ижроси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида номи зикр этилган масалалар билан бирга, компютер ахборот соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш, Чернобил атом электр станциясидаги ҳалокатнинг 15 йиллиги муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар дастури муҳокама этилди.

Музокаралар ниҳоясида президентларнинг иккинчи жаҳон уруши бошланганига 60 йил тўлиши муносабати билан МДҲ мамлакатлари халқларига ва жаҳон ҳамжамиятига Мурожаати ҳамда МДҲнинг юбилей саммитини ўтказиш доирасида амалга ошириладиган ишлар режаси қабул қилинди.

Шу билан МДҲнинг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

**(ЎзА).**

## Меҳр-мурувват кечаси

***Мархумларни хотирлаш, қарияларни эъзозлаш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, бокувчисини йўқотганларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатиш Муборак тумани корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг эътиборида. Хомийлар ногиронлар ва қарияларнинг ҳолидан хабар олиб турадилар.***

## САХИЙ ҚАЛБДА САХОВАТ БОР

«Нуроний» жамғармаси туман бўлими кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини оширишга муҳим вазифа деб қараб келмоқда.

Тумандаги 38 нафар иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, 714 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, 5 нафар уруш қатнашчиларига тенглаштирилган отахонлар, уруш қурбонларининг бевалари корхона, ташкилот ва жамоа хўжаликларига биркитилган.

— Табаррук қарияларни эъзозлаётган, кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотганларга ҳиммат кўрсатаётган ҳомийлардан бениҳоя миннатдормиз, - дейди биз билан суҳбатда «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ғайбулла Тўхтаев.

Ҳақиқатан ҳам Олий Мажлис депутати Нуриддин Зайниев раҳбарлик қилаётган нефт ва газ конлари бошқармаси, Барака Рустамов директор бўлган газни қайта ишлаш заводи каби меҳнат жамоалари йил бошидан бери қарийб 2 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар.

Яқинда нефт ва газ конлари чойхонасида «Сахий қалбда саховат бор» мавзусида меҳр-мурувват кечаси ўтказилди. Унга 102 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва ёлғиз қариялар таклиф этилдилар.

Бир пиёла чой устида ўтказилган кеча қатнашчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилди. 20 дан ортиқ ўзгалар ёрдамига муҳтож кексаларнинг уйларига бориб, хабар олинди.

Ўтганлар руҳини хотирлаш, тирикларни қадрлаш мубораклиқларнинг анъанасига айланган. Туман ҳудудидан урушга кетиб, ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 246 нафар жангчи рўйхатга олиниб, Хотира китобига киритилган. Тошкентдаги «Шаҳидлар хиёбони» хотира мажмуида юртдошларимизнинг номи ҳам зарҳал ҳарфларда битилган.

Қариялар ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда фаоллик кўрсатмоқдалар. Кенжа Султонов, Бобо Рўзиев, Қобил Мўминов, Нормурод Одилов, Шерқул Ирисов, Бегандиқ Шодиев сингари жамоатчилик маркази раислари ёшлар билан тез-тез учрашиб турадилар.

«Оналар ва болалар» йили муносабати билан шаҳардаги «Кичкинтой» болалар боғчасида ўтказилган тадбир тарбияланувчиларда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Қаҳрамони Бўрон Рўзиев саноат касб-ҳунар коллежи талабалари билан учрашиб, уларга газчилар ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

Йил бошидан бери кексалар ва ногиронлардан 20 нафардан ортиғи республикамизнинг Олтиариқ, Товоқсой, вилоятнинг Мироқи, «Қашқадарё соҳили», тумандаги «Маржон» дам олиш оромгоҳларида даволаниб келдилар.

**ЁЛҚИН.**

## ИШЛОВЧИ АЁЛЛАР

### *Даромад солиғи тўлашда катта имтиёзга эгалар*

***Касаба уюшма қўмитамиз Сариосиё туман марказий шифохонаси бош ҳакими Хўжаназар Маҳмудов билан йил бошидаёқ жамоа шартномасини қабул қилганди. Унга ишловчи 1462 нафар хотин-қизларга қулай шароитлар яратиш, меҳнатини қадрлаш, қонунларда кўзда тутилган имтиёзларни бериш ҳақида алоҳида бандлар киритилди. Буларнинг ҳаммасини маъмурият раҳбари мажбурият сифатида деб қабул қилганди. Айни пайтда бу борада муайян ишлар амалга оширилянти.***

Энг аввало,ходимлар маошларини, болаларнинг нафақалари, тоифаларига қараб қўшимча ҳақларини ҳар ойнинг бешинчи кунида бериш йўлга қўйилди. 12 ёшгача фарзандлари бўлган аёлларга меҳнат таътилида 3 иш куни қўшимча берилянти. Ҳ.Тоғаева, З.Шарипова, М.Боева, М.Эшова, Г.Шокирова каби ногирон фарзанди борлар даромад солиғини тўлашда имтиёздан фойдаланишяпти.

34 нафар, шу жумладан, болалар ҳакимаси Саодат Тўйчиева, ҳамшира Зулфия Раҳмонқулова, акушер-гинеколог Санобар Раззоқова, фаррош Ҳабиба Облақуловаларнинг ҳар бир иш куни жамоа шартномасига мувофиқ бир соатга қисқартирилган.

Зарарли шароитда ишлаётганларга ҳар куни сут-қатиқ бериб борилмоқда. Бундан ташқари, жамоа шартномасига мувофиқ улар иш ҳақидан даромад солиғи тўлашда тегишли имтиёзга эга.

28 нафар хотин-қизларимизни кўҳна Термиз шаҳридаги тарихий обидаларга сайёҳатлар уюштиришни режалаштирганмиз. Сарф-харажат маъмурият томонидан қопланади. Кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар фарзандини ёз мавсумида «Хонжиза», «Вахшивор» оромгоҳларида бепул дам олдириш мўлжалланган.

**Хўжақул БОЙМАТОВ,**
**Сариосиё туман Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Халқ таълими бош бошқармаси ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ажойиб тадбир ўтказди.

Унда пойтахтимиздаги қўшимча таълим мажмуаси - болалар ижодий жамоаларининг байрам дастурига катта ўрин берилди. «Ўзбекистон - менинг ватаним», «ЭКО - 2001», « Қўли гул уста», «Юмшоқ ўйинчоқлар», «Моҳир қўллар» каби мавзуларда намойиш этилган ижод намуналари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Кичкинтойларнинг ўзига хос кўргазмаси, шубҳасиз, улғайиб келаётган ёш авлоднинг ўз юртига, Ватанига юксак меҳр-муҳаббат ва эҳтиромидан далолатдир.

Байрам муносабати билан боғдаги барча атракционлар ҳамда «Кока-кола» компанияси болажонларга беминнат хизмат кўрсатди.

## МАВСУМ БОШЛАНДИ

Нукусдаги «Орол болалари» ўқув-соғломлаштириш маркази Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносиб кутиб олди. Марказ ёз фаслининг биринчи кунида Амударё, Бўзатов, Қонликўл, Чимбой, Шуманай, Элликқалъа туманларидан ва Нукус шаҳридан келган 370 нафар ўқувчиларни қабул қилди. Улар 21 кун давомида оромгоҳда ҳордиқ чиқаради.

«Орол болалари» оромгоҳи ёз мавсумида 4 навбатда жами 2500 ўқувчининг ёзги мавсумини мароқли ўтказишларини таъминлайди. Шу кунларда Оролбўйи ҳудудидаги яна 30 дан зиёд оромгоҳ ҳам иш бошлайди.

Қува туман «Матлубот-савдо» акционерлик бирлашмаси мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами арафасида замонавий ишлаб чиқариш тармоғини ишга туширди.

Асосан печение ва макарон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган ушбу тармоқ қиркка яқин қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади.

## ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Янги ишлаб чиқариш тармоғини ишга туширишучун ортиқча сарф-харажатлар қилинмади. Тармоқда ишлатилмай турган «Соломка» ишлаб чиқариш дастгоҳлари печение ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Эндиликда бу ерда бир кеча-кундузда 4 тонна печение, бир тоннадан ортиқ макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

«Салом» номи билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифати, таннархининг арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми бирлашма билан ҳамкорликда ишлаётган 150 дан ортиқ турли савдо дўконларига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

**(ЎзА).**

## *Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

## ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ

### *Талабга жавоб берадими?*

***Одам толиқмай, яхши ишлаши учун вақтида яхши дам олиши даркор. Бунинг биринчи шарти эса иш жойида мукаммал шароит яратишдир.***

Мана, ёз фасли ҳам бошланди. Бугун далаларда ўзгача манзара, кўтаринкилик ҳукмрон. Ғалла ўрими бошланди, сабзавот экинлари ҳосили пешма-пеш етиляпти. Ғўза парвариши кун сайин авж олмоқда.

Шундай жазирамада экинзор оралаб ҳориган миришкор соя-салқин жой исташи табиий. Шинам шийпонда пича тин олиб бир пиёла чой устида гурунглашишга нима етсин!

Далада ишловчилар меҳнатини муҳофаза қилиш деганда аввало мана шу ором масканлари кўзда тутилади. Хўш, дала шийпонларининг бугунги аҳволи қандай? Мавсум пайтида улар деҳқоннинг иккинчи уйига айлантирилдими? Муаммолар нималардан иборат, каби саволларга жавоб олиш мақсадида Сайхунобод тумани Турсунмат Ғуломов номидаги ширкатлар уюшмасида бўлдик.

Кези келганда бир нарсани таъкидлашимиз лозим: ушбу мақолада масалага холисона ёндошишга интилдик. Қолаверса, дала шийпонлари кўпчилик туманлар учун оғриқ нуқтага айланиб қолди.

— Хўжалигимизда учта дала шийпони бор, — деди ширкат раҳбари Эгамберди Аҳмедов. — Шундан биттасида Ҳақмуродовлар оиласи вақтинча яшаб турибди. Қолган иккитасига олиб боришим мумкин. Очиғини айтсам, ҳозирча улар билан мақтана олмаймиз. Аммо яқин кунларда иккаласини ҳам таъмирлаймиз...

Шийпонга етиб борганимизда вақт пешинга яқинлашган эди. У ерда Носиржон ака Рустамов ва Абдували Тўланов бошлиқ оилавий пудратчилар тушлик қилиб ўтиришган экан. Ариқ бўйидаги салқин ерга жой қилинган, сув сепиб супурилган. Бундан дилимиз равшан тортди. Лекин...

Ҳа, бинонинг ташқари ва ичкарисини кўздан кечириб, раис идорадаёқ тўғрисини айтганлигига амин бўлдик. Ҳақиқатан ҳам иморат таъмирталаб эди. Унда ром йўқ, айвондаги пол тахталари кўчириб олинибди.

— Қишда ташмалаб кетишган, — изоҳ берди пудратчи Н.Рустамов. — Ўзингиз биласиз, кузда ҳосил саранжомлангач, бу ерда ҳеч ким қолмайди. Ноинсофлар шундан фойдаланган. Энди икки-уч пудратчи бирлашиб тузатиб олиш ҳаракатидамиз. Кўр ҳассисини бир марта йўқотади. Бундан буён шийпонимизни қаровсиз қолдирмаймиз., албатта. Қолаверса, ҳадеб уч-тўрт чақирим юриб, уйга қатнайверсак ҳам унумда шифер йўқ.

— Бу шийпонни пудратчи Қўшмурод Эломоновга ижарага бердик, — хижолат тортиб деди раис. — Тузатиб олишга сўз берди. Қурилиш ашёлари, ёрдам кучидан қарашамиз.

Э. Аҳмедов хўжаликка бўлмайдими? Ахир шийпон ўзлари учун-ку! Яқинда Сайхунобод тумани ҳокими Р.Нормуродов хўжалик раҳбарларини йиғиб шундай деди:

— Водийга қилган хизмат сафаримдан унутилмас таассурот билан қайтдим. Ҳақиқий деҳқончилик маданиятини, ерни эъзозлашни улардан ўрганишимиз керак. Шийпонларини мисоли Боғи Эрам дейсиз. Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Яхшиси, сизлар ҳам бориниглар. Деҳқонга яратилган шароитни кўринглар. Орзуим, бизда ҳам кўплаб шундай гўшалар барпо этсак.

Дарвоқе, туманда яна бир ибратли ишга қўл урилди. Ҳоким қарори билан ҳар йили 25 май Сайхунободда «Ёшлар куни» этиб белгиланди. Бу йилги биринчи байрам зўр тантана билан нишонланди. Ўша куни таниқли санъаткорлар қамчидан бел боғлаб хизматда бўлишди. Шунингдек, ёшлар сайлида кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари, кўнгилочар тадбирлар ўтказилди. Ҳомийлар яхшигина ҳиммат кўрсатишди. Ишбилармонлардан тушган маблағлар ёрдамга муҳтожларга хайрия сифатида тақсимланди. Хуллас, барчанинг кўнгли шод этилди.

Байрам баҳона, одамлар бир нарсага ишонч ҳосил қилишди. Ҳар қандай ҳасталикнинг давоси бўлганидек муаммо ҳам ечимсиз бўлмайди. Энг муҳими, қийинчиликдан чўчимаслик, қўлни қўлга бериб баҳамжиҳат меҳнат қилиш кўникмасини пухта эгаллаш даркор. Чамаси, сайхунободликлар ушбу ҳақиқатни тушуниб етаётган кўринадилар.

**Зайниддин РИХСИЕВ,**
**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

## Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

***Ўз сафига 1050 нафар аъзони бирлаштирган уюшмамиз хўжаликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. 300 нафарга яқин пудратчиларимизнинг самарали меҳнати натижасида ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан 10 миллион 200 минг сўм соф фойда олинди.***

# МИЛЛИЙ ҒУРУР

## қалбда жўш урса

Унинг 40 фоизи девидент сифатида хўжалик аъзоларига берилди. Бундан ташқари, ўтган йилда сув танқислиги туфайли айрим пудратчилар йилни зарар билан якунлаганди. Хўжалик касаба уюшма қўмитаси ва жамоа бошқарувининг қарори билан зарарни 25 фоизга камайтириб, улар манфаатлари ҳимоя қилинди.

Ана шундай амалий ёрдам, қўллаб-қувватлаш натижасида деҳқонларимизнинг ишлаб чиқаришга, ерга муносабатида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Пудрат шарофати туфайли моддий манфаатдорликнинг яхшиланаётгани хайрли ташаббусларга қанот бўлаяпти. Касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқлари устувор ҳимоячиси сифатида уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини қатъий назорат остига олинган. Бундан ташқари, мактаб, болалар боғчалари, шифохоналар, дала шийпонлари, хонадонларда бўлиб, одамларнинг яшаш шароити, орзу-умидлари, ёшлар тарбияси, қолаверса, муаммолардан бохабар бўлиб тураман. Эндиликда одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишади.

Жамоа шартномалари имкониятларидан келиб чиқиб, илғорлар ҳар беш кунда рағбатлантириб борилади. Айниқса, механизаторлар ўртасида меҳнат беллашуви янги-янги ташаббускорлар, илғорларни кашф этди.

Нуроний отахону онахонларга ҳурмат, меҳр-саховат, муҳтожларга мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий урф-одатларидан ҳисобланади. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан хўжалигимиздаги Хотира боғида нуронийларимиз учун катта тадбир ўтказилди. Дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Фахрийларга совға-саломлар улашилди. Улар бизнинг фахримиз, эзгу ишларда раҳнамоимиздир. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, хўжалигимизда кам таъминланган, қаровчисини йўқотган кишилар алоҳида ҳимояга олинган. Шу кунгача 32 нафар яккаёлғизларга моддий ёрдам берилди. «Оналар ва болалар» йили муносабати билан 16 нафар аълочи ўқувчиларга Бобур номидаги стипендия жорий қилинди, боқувчисини йўқотган икки оила болаларига дарсликлар, ўқув қуроллари олиб берилди. Нисбатан оғир шароитда ишловчилар бепул сут ва сут маҳсулотлари, иссиқ овқат, кийим-кечак ва барча зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, жамоа шартномасига асосан Сариқоёқ ва Мингчинор каби чўл массивида ишловчилар учун бепул транспорт ва иш ҳақига қўшимча тўланмоқда. Хўжаликда ўтказиладиган оммавий ҳашар, дағал хашак тўплаш, йиғим-терим каби мавсумий ишлар даврида ҳам бепул иссиқ овқат, маданий-маиший шарт-шароитлар яратиб берилади.

Бундан ташқари, меҳнаткашларни соғломлаштириш мақсадида санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар берилмоқда. Уч нафар ишлаб чиқариш илғори яқинда энг баҳаво санаторийларга бориб саломатлигини тиклаб қайтди. Ўтган йили касаба уюшмалари ҳомийлигида 100 нафарга яқин хўжалик аъзоларининг фарзандлари ёзги оромгоҳларда мириқиб дам олган бўлсалар, «Оналар ва болалар» йилида бу кўрсаткич бир неча баробар оширилади.

Хўжалик аъзоларининг дам олиши ҳамиша касаба уюшмалари диққат марказидадир. 17 та дала шийпони, авто-трактор парки, чорва фермаларида меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Режалаштирилган тадбирлар асосида бу ерларда турли оммавий-бадиий тадбирлар, тадбиркорлар, ибратли оила бошлиқлари билан учрашувлар, ҳуқуқий маслаҳат кечалари ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда, ўзлигини танишда, тадбиркорлик ва ташаббускорлигини юзага чиқаришда асқотмоқда. Хусусан, хўжаликда узоқ йиллар бошқарув раиси бўлган Баҳри Нурова, туман иқтисодини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшган Бахтиёр Раҳматов, Ҳайит Солиевларнинг хотира кечаларини ўтказилиши одамларда меҳру оқибатни мустаҳкамламоқда.

Айни кунларда «Мустақиллик — фахрим, ғурурим» каби мавзуда давра суҳбатлари, кечалар ўтказилмоқдаки, булар халқимиз, айниқса ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, миллатга фидойилик, ўтмиш аждодларга ҳурмат туйғуларини оширмоқда. 9 фарзандни тарбиялаб, элга қўшган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Тошбобо Остонов ва Шарофат биби Остоновалар билан ўтказилган давра суҳбати кўпчиликка манзур бўлди. Озодликнинг нақадар буюк неъмат эканлиги яна бир карра эътироф этилди. Жамоа аъзоларининг бундай тадбирларга ташна эканлигини кўриб, бу борада яна бир қатор ишларни режалаштирдик.

Бугун одамлар четдан ёрдам кутмай, ўз кучи, тажрибаси, тадбиркорлигига ишониб, меҳнат қилмоқда.

**Саида ҚОДИРОВА,**
**Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## ҚАРЗДОРЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

Миллий банкнинг Пахтакор туман бўлими 800 дан ошиқ корхона, ташкилот ва хўжаликларга хизмат кўрсатиш жараёнида асосий эътиборни иш ҳақларидан бўлган қарздорликка қаратди. Қисқа фурсат ичида банк мижозлари орасида иш ҳақидан қарзларга тамомила барҳам берилди.

Банк томонидан ишлаб чиқаришни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида берилган кредитлар миқдори 283 миллион сўмдан ошиб кетди. Шундан энг кўпи — 101 миллион сўми аграр соҳага — Пахтакор ва Зафаробод туманлари учун зарур техника, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун сарфланди.

Аҳолининг бўш турган маблағларини ижтимоий фойдали ишларга жалб этишда ҳам банк ходимлари катта куч-ғайрат сарфламоқда. Шу кунгача банкда 129 миллион сўмлик аҳоли омонатлари жамланган.

**Шохруҳ САРИЕВ.**

***Ўзбекистон КУФК ва таҳририятимизга келаётган хатларни инобатга олиб, гуруҳ, цех бошлағич касаба уюшма қўмиталарида энди иш бошлаганлар учун амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ёш фаолларга ёрдам» рукни ташкил этилди.***

***Дастлабки саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Вали ҚЎЧҚОРОВ жавоб беради.***

# МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ ҲИМОЯЧИСИ

***САВОЛ: Мен яқинда қўмита аъзолигига сайландим. Шу сабабли касаба уюшмаларининг мақсад ва вазифалари тўғрисида тушунча берсангиз?***

**Баҳодир АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Наслли парранда» қўшма корхонаси ходими.**

***ЖАВОБ:*** касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир.

**Касаба уюшмалари:** миллати, жинси, ёши ва диний эътиқодидан қатъи назар касаба уюшма аъзосининг меҳнат қилиш, ишни, касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароити яратилиб бериши ва ишсизликдан ҳимоя қилинишига доир конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига;

иш билан таъминланганлик энг юқори даражада бўлишига, даромадлар оширилишига ва мулкий табақаланиш даражасининг камайтирилишига;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат режимининг ижтимоий адолатли тизими жорий этишга;

инсоннинг маънавий ва жисмоний куч-ғайратини оширишга ёрдам берадиган бўш вақтдан оқилона фойдаланишга;

ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига биноан ходимлар малакасининг оширилишига ва касб жиҳатидан қайта тайёрланишига;

меҳнат қонунчилиги, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофазалаш қонун-қоидалари ва меъёрларига риоя этилишига;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмоний тарбияни ривожлантириш учун база яратилиши ва маблағ ажратилишига;

жамоа шартномалари ва битимлари тузилишига, уларнинг бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишига;

давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига, барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга эришишга **интиладилар.**

## Янги рукн: Ёш фаолларга ёрдам

# «ОЗОД» ШИФОХОНАСИ

Қорақалпоғистондаги тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари яна биттага кўпайди.

Беруний туманидаги «Озод» деҳқон фермер хўжаликлар бирлашмасида 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Овул аҳолиси эндиликда 20 километр узоқликдаги шаҳар шифохоналарига қатнаш ташвишидан холи бўлди. Янги врачлик пункти малакали тиббиёт ходимлари ҳамда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Ушбу шифо маскани қурилишига салкам 30 миллион сўм маблағ сарфланди.

**(ЎзА)**

## САХОВАТПЕША ФЕРМЕР

Ғанижон аканинг асли касби ошпазлик. Кўп йиллар умумий овқатланиш корхоналарида ишлади. Пенсияга чиққач Бахт шаҳридаги фермер хўжалигини ташкил этди. Қорамол, қўй-эчки ҳамда парранда парваришни йўлга қўйди. Ҳозир мазкур фермер хўжалигида етиштирилган сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари Бахт ва Сирдарё шаҳарлари бозорларида сотилаяпти.

Фермер бойиса кўпга нафи тегади. Ғанижон ака савобли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Қишлоқни ободонлаштириш, ўзгалар мададига муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун шахсий жамғармасидан маблағ ажратмоқда.

**Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**



## Экология ва биз

***Сув, ҳаво, тупроқнинг экологик тозалиги устидан назорат турли таркибий қисмлардан ташкил топади. Улардан бири - бензинда юрадиган транспорт турларини алмаштириш. Чунки, бензин ҳанузгача инсониятнинг бирмунча хавфли ихтироси бўлиб қолмоқда. Бу борада муқобил йўл нафақат дизель ёқилғисида, сиқилган ёки суюлтирилган табиий газда ишлайдиган двигателлардан, балки электр транспортидан кенг фойдаланишдан иборат.***

# ҲАВО ТОЗА БЎЛСА, ҲАРАЖАТЛАР КАМАЯДИ

Бу ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган вазифалар «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг экологик дастурида асосий ўрин тутади. Шу боис, айнан мазкур уюшма васийлигида ҳозирда метронинг Юнусобод йўналиши қурилиши якунланмоқда. Фойдаланиш хусусиятларига кўра тежамкорроқ ва тозароқ транспорт воситаларига тўхталадиган бўлсак, бу ерда «Сабина Трайдинг ИНГ» фирмаси билан 300 та ЛАЗ-695 НГ русумли автобус харид қилиш бўйича шартнома тузиб, йўловчилар ташишнинг энг ишончли йўли танланди. Шундай бўлса-да, бу чора муаммони тўла ҳал этмайди.

Шунингдек, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг табиатни муҳофаза қилиш дастурида трамвай ва троллейбусларнинг янги йўналишларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бугунги кунда пойтахтимизда 135 та «Шкода» троллейбуси, 90 та «Татра» трамвайи аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уюшма корхоналарининг деярли ҳаммасида инженер-экологлар лавозими киритилган. Улар табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишда, тутун, чанг ва шовқин даражаси каби фойдаланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда шаҳар йўловчи транспортининг муқобил йўналишларини танлашда иштирок этмоқда.

Бу каби чора-тадбирлар «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассисларининг фаол иштирокида амалга оширилмоқда.

**(ЎзА).**

# ДАВРГА МОС

## Пойтахтимизнинг Навоий кўчасига янги пўлат излар ётқизилмоқда

Гўзал Тошкентимизда бунёдкорлик ишларини олиб боришда транспортчиларнинг ҳам иштироки катта бўлмоқда. Зеро, йирик йўл қурилишлари транспорт қатнови учун ҳам қулайликлар муҳайё этмоқда.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий шоҳ кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин.

Кўчанинг бир қисмидан трамвай йўлининг эски шпаллари ва излари олиб ташланиб, замон талаблари даражасида қайтадан тикланаётир.

— Бу каби бунёдкорлик ишларини бизнинг азамат йўл қурувчиларимиз бажаришмоқда, - дейди «Тошшаҳарйўловчи» Давлат уюшмасига қарашли ер усти транспорт корхоналари ҳамда объектлари қурилиши бирлашган дирекцияси раҳбари Тагир Содиқов. — Бунинг учун катта қуч ажратилди. Иншоотни тиклашда бир йўла бешта қурилиш-монтаж поезди жалб этилди. «ЎртаОсиётранскурилиш» трестига қарашли бу қурувчилар гуруҳлари малакали мутахассислар билан таъминланган.

Қайта туб таъмирланаётган трамвай йўлига жами 12 минг 500 дона шпал, 1000 тонна рельс сарфланади. Янгиланаётган троллейбус йўлларини қуриш ва монтаж қилиш жараёни бошлаб юборилди. Контакт тармоғи эса бутунлай қайта янгиланади. Бунинг учун 7 минг метрга яқин троллейбус симлари ҳамда кўплаб техник мосламалар ишлатилади.

Транспорт воситалари қатнови учун яратилаётган бу каби қулайликлар учун яна қўшимча узел ва эҳтиёт қисмлар зарур бўлади. Бу масалани ҳам ўз вақтида ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилди. Бу соҳада бизга «Электротранспорттаъмир» заводи ўз амалий ёрдамини бераётир.

Корхона томонидан етказиб бериладиган кўплаб эҳтиёт қисмлар ва таянч механизмлари транспорт йўлларининг сифатли ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Йўл хизмати бошқармаси мутахассислари ҳам ўзларига ажратилган бунёдкорлик ишларини адо этиш билан банд. Хуллас, мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида қайтадан чирой очадиган бу кўчада қурилиш-монтаж ишлари қизиғандан-қизимоқда.

**Акбар АЛИЕВ.**

## Болалар ёзи — катта имтиҳон

# ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

***Маълумки, ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтказишда Ўзбекистон касаба уюшмаларида бой тажриба тўпланган. Шу тажрибадан оқилона фойдаланиш ҳамда уни услубий жиҳатдан бойитиб бориш, мутасадди ташкилотларнинг бир-бирларини тушуниб, ҳамжиҳатликда ишлашлари мавсумни муваффақиятли якунлашда муҳим аҳамият касб этади.***

Яқинда Бўстонлиқ туманидаги «Хумо» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтган Тошкент вилояти касаба уюшмаларининг 2001 йилда болаларни ёзги соғломлаштиришга бағишланган кўчма семинар йиғилишида шу ҳақда гап борди. Унда вилоят ҳокимлигининг вакиллари, тармоқ касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари ва бошқалар иштирок этдилар.

Кейинги пайтда болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказишда қатор муаммоларга дуч келинаётгани сир эмас. Буларнинг баъзилари бевосита маблағ билан боғлиқ бўлса, айримлари касаба уюшма ходимларининг замон талабларига мос ишлолмаётганликларидадир.

— Бу йил 16 та болалар оромгоҳларида 13 минг 500 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилишини режалаштирганмиз, — деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. — Шу жумладан, бу йил Орол ҳудудидан келган 6 минг нафар болалар ҳам Тошкент вилоятининг хушманзара ҳамда баҳаво оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади. Бу биз учун катта масъулият, албатта.

Шунинг учун ҳам мавсум давомида турли узилишларга йўл қўймаслик мақсадида «Вилоятсавдо», «Вилоятулгуржисавдо», «Дори-дармон», Ички ишлар бошқармаси, санитария-эпидемиология станцияси ва бу муҳим ишга бевосита даҳлдор кўплаб ташкилотлар раҳбарлари йиғилишга таклиф этилди. Мақсад кўпгина масалаларнинг ечимини шу ернинг ўзидаёқ топиш эди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йилги мавсумни ўтказишнинг муаммолар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Кейинги вақтга келиб оромгоҳлар қурилиши камайиб кетди. Кўпгина оромгоҳлардаги кўрпаёстиқлар, идиш товоқлар талабга жавоб бермайди. Тарбиячилар ҳамда тиббий ходимларни ишга қабул қилишда айрим камчиликлар учрамоқда. Кутубхоналар ишини яхшилаш, уларни замонавий адабиётлар билан таъминлаш, маънавият хоналарининг безатилиши ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас!

Сўзга чиққанлар бу йилги мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун нималарга алоҳида эътибор бериш зарурлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Жумладан, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг бўлим мудири Қодир аниқ режаси ишлаб чиқилган.

Семинар-кенгашда болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтказишдаги айрим уларни нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам тарбиялашга алоҳида аҳамият беришимиз керак. Лекин ўтган йили кўпгина оромгоҳларга ўқитувчиликка даҳлдор бўлмаган кишилар ҳам жалб этилдики, эндиликда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам оромгоҳ раҳбарлигига ҳамда тарбиячиликка камида 5 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган мутахассислар қабул қилиниши керак, деб ҳисоблайман.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция майори Фахриддин Исломов:

— Мен ҳам даҳлдор ташкилотлардан тарбиячиларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратишларини илтимос қилардим. Чунки ўтган йили мана шу ишга жиддий ёндошилмаганлиги сабабли тарбиячилар томонидан 2 та жиноят содир этилганди. Бундан ташқари, болаларнинг оромгоҳларга борариб-келишлари пайтида ўзларини қандай тутишлари кераклиги ҳақида уларга тушунтириш берилса айни муддао бўларди.

Вилоят санитария-эпидемиология марказининг бўлим бошлиғи Матлуба Алиева:

— Ҳар бир оромгоҳда савдо ташкилотларидан олинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига алоҳида аҳамият берилиши шарт. Ошпазларнинг ҳам малакалилари танлаб олиниши зарур. Ичимлик суви истеъмол қилиниши масаласига ҳам алоҳида эътиборни қаратмоқчиман. Чунки фарзандларимиз саломатлиги кўп жиҳатдан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви турилишига ҳам боғлиқ.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# TV дастури

## 4 - 10 июн

## ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

## ДУШАНБА, 4

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбекистон дурдоналари». Телефильм.
9.10, 12.30 ТВ- метео.
9.15 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА.
10.05 «Хакалак». Мультфильм.
10.15 Болалар экрани «Чипполино». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.05 «Шохрух клуби».
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.55, 16.20 ТВ- клип.
13.00 «Оталар чойхонаси».
13.45 ТВ 1 намойиш этади.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.45 Кундузги сеанс: «Сиздан угина, биздан бугина». Бадиий фильм.
16.05 «Қишлоқ ҳаёти».
16.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.55 ТВ-анонс.
17.05 Экранда - телесериал. «Қалбим чечаги». 3-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ҳамоҳанг наволар».
18.35 «Суғурта».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.40 «Толеи ёруғ одамлар».
21.50 Ўзбектелефильм» намойиши: «Озод юртнинг умид юлдузлари». Ҳужжатли видеофильм премьераси.
22.20 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» II -халқаро турнири.
22.40 «Маънавият» дастури.
23.30 «Ахборот».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Мульттомоша».
10.15, 11.40, 17.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 14-қисм.
10.50 «Ўзбекистон жавоҳирлари». Телефильм.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.55 Луиджи Пиранделло. «Пайванд». Аброр Ҳидоятов театрининг спектакли.
13.20 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
13.35 Халқаро тамакига қарши кураш кунига бағишланган. «Саломат бўлинг». 1-қисм.
14.05 «Сени излаб...» Телевизион бадиий фильм.
14.40 Саломат бўлинг. 2-қисм.
15.10 «Сеҳрланган бола». Мультфильм.
15.55 Жаҳон жуғрофияси.
16.45 «Томоша». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»)
17.15 Спорт ҳафтаномаси.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 «Мульттомоша».
18.25 «Замондошимиз» туркумидан: «Ринг узра Ўзбекистон байроғи» («Ўзбектелефильм»)
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Ёшлик наволари.
19.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Мерлин». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 «Авесто»нинг 2700 йиллигига «Бир ўлка-ки...» «Авесто-бебаҳо маданий мерос». 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 Мультфильм.
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.40 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30, 21.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.50 «Ватан манзаралари».
22.05 «Ўзбегим навоси».
22.35 ТТВда сериал: «Селеста».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30.-8.00.
*
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Мультчархпалак».
17.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.40 CFI тақдим этади: «Йиллар фасли». Балет.
18.40 «Зарби қаттиқ куч-2». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.20 «Бебилиска пул». Сериал.
22.10 «Клип антракт».
22.20 Кинематограф. «Қўли гул аёл». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА, 5

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Кино янгиликлари.
9.10, 12.55 ТВ-метео.
9.15 «Рақслар гулдастаси».
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кўксув дарёси бўйлаб».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА.
10.05 «Евройи оққушлар». Бадиий фильм.
11.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.50, 15.55 ТВ-анонс.
12.05 «Маънавият» дастури.
13.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.20 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
14.10 «Соғлом авлод « касаба уюшмалари спартакиадаси.
14.30 Кундузги сеанс: «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
16.00 «Гиёҳвандлик -аср вабоси».
16.15 Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Оламни асранг».
16.40 «Наво таралсин». Концерт.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ёрдамчилар». Мультфильм.
18.20 «Орзулар довони».
18.30 «Адолат мезони».
18.50 «Куйла, ёшлигим».
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 Санъат усталарининг концерти.
21.50 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
22.20 «Қизлар даврасн».
23.35 «Ахборот».
00.10 -00.15 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Болалар куйлайди.
10.05 Саломатлик сирлари.
10.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 15-қисм.
10.50, 13.40, 16.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.55 «Мерлин». Бадиий фильм 1-қисм.
14.45 Азизим.
15.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
15.55 Хоразм наволари.
16.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
17.25 «Мульттомоша».
17.40 Таянч.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.05 Минг бир маслаҳат.
18.25 Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига. «Ватан манзаралари». Термиз: кеча ва бугун.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 Қалқон.
20.05 Ёшлик қўшиқлари.
20.15 Марду майдон.
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Мерлин». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.



22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
0.20-0.25 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Дурдона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.40 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30, 21.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.50 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 ТТВда сериал: «Селеста».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30.-8.00.
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Мультчархпалак».
17.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.40 CFI тақдим этади: «Йиллар фасли». Балет.
18.40 «Зарби қаттиқ куч-2». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «Клип антракт».
21.50 Кинематограф. «Алвидо, дўстим». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЧОРШАНБА, 6

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Созим - ҳамрозим». Мусиқий дастур.
9.10, 13.10 ТВ-метео.
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бухоро».
9.30 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА.
10.05 «Қўрқоқ бегемот». Мультфильм.
10.20 Кундузги сеанс: «Бор эканда, йўқ экан». Бадиий фильм.
11.40 Республика ўқитувчиларининг 1 анжумани олдидан. «Камолот сари».
12.05 М. Маринье, Ги Абекасис «Қаллоблар». А. Ҳидоятов номидаги. Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.20 Лирик тароналар.
13.55 , 16.40 ТВ-анонс.
14.10 Киносовға.
14.35 «Олов дамини даф этиб. «
14.55 Кундузги сеанс: «Дала ҳовли». Бадиий фильм.
16.15 «Остонаси тиллодан».
16.45 «Билим - ринг».
17.05 Экранда -телесериал. «Қалбим чечаги». 4-қисм.
18.10 «Иқтисод ва биз».
18.20 «Аёл -дунёни тебратар». Бадиий -публицистик кўрсатув.
18.40 «Истеъдод». Т. Шукуров.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 , 22.50 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.



21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
21.55 Теннис бўйича Ўзбекистон кубоги.
«Тунги ҳамроҳ».
22.10 «Орзулар қанотида».
22.30 «Дунё эшиклари очилар бизга».
22.55 «Олам». Телеальманах.
23.30 «Ахборот».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
9.30 «Мульттомоша».
9.45, 14.20 Мусиқий лаҳзалар.
9.55 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 16-қисм.
10.20 Ёшлар овози.
10.40 «Буюк Ипак йўли. Нурота». Телефильм.
11.00 «Даллас» телесериал.
11.45 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
12.05 Болалар экрани. «Олтин калитча».
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.35 «Мерлин». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.30 «Эҳтимол улар ақлдан озишган-дир». Телесериал.
14.55 Мультфильм.
15.15 Бу мунис лаҳзалар.
15.35 Қалқон.
16.00 «Олмазор». Бадиий фильм.
17.15 Ҳайрат.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
18.00 «Мульттомоша».
18.15 Ёшлар куйлайди.
18.25 Далил ва шарҳ.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Ракурс».
19.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Мусиқий лаҳзалар.
20.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.25 Сиз севган хонанда: Лариса Москалёва.
21.45 XXI аср авлоди.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Мисли гавҳар».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.40 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30, 21.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.50 «Таълимдаги ислоҳотлар: лицей ва коллежлар». Бевосита мулоқот.
22.25 «Ўзбегим навоси».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-00.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30 - 8.00.
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Мультчархпалак».
RЖТ
17.55 «Инсон ва қонун».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «СНН-шоу».
22.00 «Клип - анртакт».
22.10 Кинематограф. «Изқувар ит». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЖУМА, 8

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Бахтиёр Холхўжаев куйлайди». Фильм-концерт.
9.35, 12.35 ТВ-метео.
9.40 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Инсон ва замин».
БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА.
10.20 «Афанди саргузаштлари». Хоразм вилоят қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.00 «Бешбармоқ». Тележурнал.
11.20 «Таянч нуқтаси».
11.35 «Қашқадарё наволари». Мусиқий дастур.
12.05 «Али бобо ва қирқ қароқчи». Мультфильм.
12.40 «Саҳна ҳаёти».
13.10 «Тошкент баҳори - 2001» I халқаро мусиқа фестивали.
13.50, 16.15 ТВ -анонс.
14.10 «Миллий манфаат».
14.45 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
16.20 «Қўшиғим - жон қўшиғим».
16.50 «Озод юрт одамлари».
17.10 Экранда - телесериал «Қалбим чечаги». 5-қисм.
18.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз - гижингтоймиз».
18.30 «Таълим сифати назорати: таҳлиллар, натижалар».
18.45 «Мусиқий альбом».
18.50 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 ЎзТВ хазинасидан «Назм ва наво». Нодира лирикаси.
21.40 «Толеи ёруғ одамлар».
21.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
22.20 «Олам». Телеальманах.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 13.35, 15.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 18-қисм.
10.25 Минг бир маслаҳат.
10.45 «Шарифа Момо». («Ўзбектелефильм»).
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.40 Ёшлар овози.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.50 «Мерлин». Бадиий фильм. 3-қисм.
14.35 Мезон.
14.55 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 90-қисм.
16.00 «Муҳаббат ҳамиша ғолиб». Бадиий фильм 2-қисм.
17.05 Қонун ҳимоясида.
17.25 Ёшлар куйлайди.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
18.00 «Мульттомоша».
18.15 Ёшлар ва маънавият.
18.30 Автосалтанат.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Ёшлик қўшиқлари.
19.50 Аср қиёфаси.
20.10, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.15 «Мерлин». Бадиий фильм 4-қисм.
21.10 «Меҳр кўзда». Чиноз тумани.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 Мунаввар тонг истаб.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.



18.50 «Эҳтиром ила».
19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.40 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30, 21.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.50 «Ёшлар ҳудуди».
22.15 «Ўзбегим навоси».
22.45 ТТВда сериал: «Селеста».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Мультчархпалак».
17.40 «Саёҳатлар олами».
17.55 Ҳужжатли детектив.
18.25 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «Бебилиска пул». Сериал.
21.50 «Европа киноси кундалиги».
22.10 «Клип-антракт».
22.20 Кинематограф. «Жиноят содир этилган жой».
Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ШАНБА, 9

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 11.55 ТВ-метео.
9.20 ЎзТВ экранида биринчи марта: «Теледўмбоқлар». Мультсериал.
10.35 «Қўшиқ -рақсга чорлайди». «Тирик сайёра» кинодастури :
11.00 «Ноилож сайёдлар-7». Ҳужжатли фильм.
12.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.45 «Маърифат». Телеальманахи.
13.05 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
13.35 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
13.55, 16.15 ТВ-анонс.
14.05 «Дўстлик» видеоканали. 1.«Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.25 ЎзТВ экранида биринчи марта: «Ўрмон китоби». Бадиий фильм.
16.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
17.25 «Спорт шанбадан шанбагача».
17.50 ТВ-клип.
18.00 «Миттивойлар оиласи»Кинокўрсатув.
18.25 «Санъат олами».
18.50 Эстрада тароналари.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Келин-куёв». Телешоу.
22.15 Профессионал бокс бўйича Осиё чемпионлиги турнири.
23.15 «Шанба оқшомида». Бадиий - мусиқий дам олиш дастури.
23.55 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
00.30 «Каролина Лемб хоним». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
12.00 «Мульттомоша».
12.15 Табобат оламида.
12.35, 16.45 Мусиқий лаҳзалар.
12.45 Аср қиёфаси.
13.05 Ёшлик қўшиқлари.
13.20 Ракурс.
13.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
14.40 Танишинг: Дилфуза Ғайбулла қизи.
15.00 «Рамаяна». Телесериал.
15.35 Кутилмаган меҳмон.
15.55 «Мерлин». Бадиий фильм. 4-қисм.
16.55 «Замондошимиз» туркумидан: «Малика Абдуллахўжаева» («Ўзбектелефильм»)
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Мульттомоша».
17.35 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
17.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Нуриддин Асқаров куйлайди.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Рамаяна». Телесериал.
21.10 Олтин мерос.
21.15 Футбол плюс....
21.35 Ёшлик қўшиқлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Кечиккан балиқ ови». Бадиий фильм.
0.40 Дирижабль.
1.00-1.05 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 Мультфильм.
18.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
19.55, 20.55, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.15, 21.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.05 «Авто-news».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 Кинонигоҳ. «Капитан».
00.10 «ТТВ плюс юлдузлар».
00.30 Оҳанглар ва эълонлар.
00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
РЖТ
9.10 «Мўъжизалар майдони».
10.15 Кундузги сеанс: «Аждар юрак». Бадиий фильм.
12.00 «Фан-тайм».
12.10 «CFI янгиликлари».
12.20 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури.
13.00 «Инглиз тили Сиз учун».
13.25 «Сизга ўхшагим келади».
13.45 «Оналик бахти».
14.5.-14.55 Дўстлик видеоканали: «Чинсэн», «Қорақалпоқ-нома», «Бизнен мирас».

***

ЎзТВ - IV.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «Интернет ҳудуди».
18.40 И. Аллегрова концерт дастури. 1-қисм.
РЖТ
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Нима? Каерда? Қачон?» Телеўйин.
ЎзТВ - IV.
22.10 «Бизнес-ревю».
22.15 «7 дан 70 гача».
22.45 Кинематограф. «Жуманжи». Бадиий фильм.
00.20 Ахборот (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЯКШАНБА, 10

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий дастур.
9.25, 11.30 ТВ-метео.
9.30 «Гаройибот».
9.45 «Саёҳатчи қурбақа». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.00 Киноанонс.
11.05 «Шохрух клуби».
11.35 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Она меҳри».
11.55 ТВ-1 кинотеатри: «Ҳамроз». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.30 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин»
14.30, ТВ-анонс.
14.40 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
15.00 «Муҳофаза».
15.10 «Қувноқ шаҳарча». Телеўйин.

15.40 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.55 ТВ-клип.
17.00 «Яккама-якка жанг». Таэквандо.
17.25 Киноанонс.
17.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». Мусиқий дастур.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
22.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор»-»Нефтчи».
23.05 ТВ-1 намойиш этади. «Якшанба кинозали» :
23.20 Жахон киноси юлдузлари.
23.35 «Каролина Лемб хоним». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
12.00 «Мульттомоша».
12.15 Футбол плюс....
12.35 Мусиқий лаҳзалар.
12.45 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марду майдон, 2.Аскар мактублари.
13.25 Болалар экрани. «Орзулар камалаги».
14.30 Очил дастурхон.
14.45 «Рамаяна». Телесериал.
15.20 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.30 Спорт ҳафтаномаси.
15.45 «Меҳр кўзда». Чиноз тумани.
16.25 «Орзу дарахти». Бадиий фильм.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон».
18.30 Якшанбада кўришгунча.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»- news.
19.15 Очун.
19.40 Синфдош.
20.00 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
20.15, 20.55, 22.40 Эълонлар.
20.20 «Рамаяна». Телесериал.
21.00 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Океан тубида». Бадиий фильм.
0.20-0.25 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 Болалар учун. «Қуралай».
18.30 «Саломатлик маскани».
18.45 «Эҳтиром ила».
19.15 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
19.45, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.05, 21.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.55 «Ўзбегим навоси».
22.25 Кинонигоҳ. «Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
10.05 «Кайфият» дам олиш дастури.
11.05 FCN»Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.15 «Парле ву франсэ?»
11.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.20 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».
14.00-14.30 «Немис тили».
17.05 «Билишни истайман...». Болалар учун кўрсатув.
17.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.50 «Эксклюзив».
18.10 И. Аллегрова концерт дастури. 2-қисм.
РЖТ
19.10 Джулия Робертс «Нохушликни ёқтираман» детектив. комедиясида.
21.30 «Бизнес-ревю».
21.40 «Тенгдошлар».
22.05 «Мюзик-холл».
22.30 Кинематограф. «Араз». Бадиий фильм.
23.50 Таҳлилнома (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

*Муштарий баҳсга чорлайди*

# МУСИҚА САНЪАТИ

## *Тезкор аср авлодлари тафаккурида у қандай шаклланмоқда?*

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маданиятида «авангард»чилик тамойили ҳаддидан ошган эмас, қолаверса, у ерда мислсиз таассублик даражасини ҳам кўрмаймиз. Аксинча, хорижий Шарқ санъатининг ифодавийлиги нисбатан оригинал. Ҳар ҳолда, дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин замонавий араб, эрон, турк ёки ҳинд мусиқаси янграгудек бўлса, унинг муаллиф-халқи — насл-насаби дарҳол англанади. Афсуски, замонавий ўзбек эстрада мусиқаси ҳақида бундай дея олмаймиз. Хорижий Шарқ мусиқаси вакиллари бирор янгиликни ўзлаштириб, ижрочиликка жорий этар эканлар, буни албатта мусиқий анъаналар доирасида амалга оширадилар. Керак бўлса, Ғарб тамаддуни орқали кириб келган оврупоча чолғуларни ҳам шарқона оҳангларда «гапиртиришга» ҳаракат қиладилар, фақат Шарқ мусиқасигагина хос бўлган чорак, нимчорак пардали товушқаторлар, усул (ритм) доиралари ва бошқа ифодавий воситалардан самарали фойдалана биладилар.

Турган гапки, Оврупо мусиқаси ютуқларидан «ўғирланган» услублар, жанрлар билан овруполикларни доғда қолдиришимиз мушкул. Шундай экан, бу ишланмалар — сўз ва куйнинг мантиқсиз «ямалиши»дан ҳосил бўлган «композиция»лар кимга ва нима учун керак? Асл мусиқий тафаккури буткул ўзгача бўлган ўзбек тингловчисига зўрма-зўраки сингдириш учунми? Таъбир жоиз бўлса, Ғарбни Шарқ, ҳамиша кўҳна ва барҳаёт анъаналари, ўзига хос бадиий тафаккури, бой мероси билан жалб этиб, ҳаваслантириб келади-ку. Узоққа бормайлик, мумтоз мусиқамизни маҳорат билан ижро этиб келаётган Турғун Алиматов, Қаҳрамон Дадаев, Абдуҳошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева каби эл ардоғидаги санъаткорларнинг хорижий мамлакатлардаги юксак профессионал муваффақиятларидан бохабармиз-ку. Неча минг йиллардан бери оғзаки ҳолда авлоддан-авлодга кўчиб келаётган бой мусиқий анъаналаримиз, илмий-назарий меросимиз хорижлик сайёҳларни қанчалар қойил қолдираётганига гувоҳмиз-ку ахир. Олдимиздан оққан сувнинг қадрини билмаганимиз шу-да.

Менимча, ҳар қандай санъат асарининг қадри унинг миллий ўзига хослигидадир. Аммо ҳар кимнинг қаричи ҳар хилда. Мусиқашуносларимиз жон куйдириб, ўзбек мусиқа санъатимизнинг таркибий қисми ҳисобланмиш эстрада йўналиши миллий ўзлигимиздан йироқ тақлидлардан холи бўлиши керак, деб турган бир пайтда, ёшларнинг севимли эстрада хонандаларидан бири матбуот саҳифаси орқали «миллий эстрада бўлиши мумкин эмас» деб турса, додимизни кимга айтамиз?!

Табиийки, ҳар қандай ижрочининг маҳорати бир мезон билан ўлчанавермайди. Мусиқий саводи бор-у қобилияти ҳаминқадар ёхуд овози зўр-у дид масаласида нўноқ ижрочилар йўқ дейсизми? Қолаверса, ҳақиқий санъат асарининг дунёга келиши учун мусиқий қобилият, дид ва саводхонликнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун яна муайян вазият, руҳий ҳолат ҳам бўлиши шарт. Албатта, барча зарурий жиҳатларни ўзида мужассам эта олган, талабчан, изланувчан мусиқачигина санъаткор деган юксак мақомга лойиқ.

Санъат ўзининг барча шакл ва турларида маънавият, руҳият озуғи бўлиши лозим. Санъат халққа зиё таратишга ҳисса қўшмоғи, кишилар диди, маънавиятини бойитишга хизмат қилмоғи даркор. Шу жиҳатдан бизнинг зиёли санъаткорга эҳтиёжимиз бениҳоя баланд. Зиёли сўзига бежиз урғу бермадик. Зеро, «олий маълумотли» ва «зиёли» сифатлари ўртасида катта фарқ борлигига кўпда аҳамият беравермаймиз. Қолаверса, санъат деганда фақат гўзалликни кўз олдингизга келтирсангиз-у шу ном остида маънавий тубанлик, беҳаёлик акс этган лавҳаларни кўрсангиз, эшитсангиз, бундан қандай мақсад кўзланганини ўйлаб азият чекмайсизми? Сиз-ку майли, аммо тажрибасиз ёшлар буни қандай бўлса — шундайлигича ҳазм қилса, уларнинг тасаввуридаги санъат, нафосат тушунчалари ана шулардангина иборат бўлиб қолса... бунинг оқибатини ўйлаб ташвишга тушмайсизми?

Маънавият ва маърифат масалалари кун тартибида энг долзарб бўлиб турган бугунги тезкор даврда бу ҳолга лоқайд қараб бўлмайди. Санъатга эстетик ва маънавий соғломлаштириш вазифасини қайтариш билангина жамиятимиздаги айрим салбий тебранишлардан фориғ бўлишимиз мумкин.

**Ирода ДАДАЖОНОВА,**
**мусиқашунос.**

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Касаба уюшма спорти*

## ҒАЗЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

«Жиззахгазтаъминот» бирлашмаси тармоқ ходимлари ўртасида ҳар йили мини футбол мусобақаларини ўтказиш анъана тусини олган. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай спорт байрамида минг нафарга яқин ишчи-хизматчи ҳамда техник ходимлар иштирок этдилар.

Баҳслар зафаробдлик газчиларнинг ғалабаси билан якун топди. Зарбдорликлар иккинчи, Жиззах шаҳрилик «зангори олов»чилар фахрли учинчи ўринни эгаллаб, пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг тартибли жамоа» каби номларда таъсис этилган мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

— Бундай спорт тадбирларини ўтказиш меҳнат унумдорлигини оширишга, ходимларимизнинг соғлом бўлишига хизмат қилмоқда, — дейди бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси Соиб Бобожонов. — Бу каби тадбирларни ўтказиш жамоа шартномасига киритилган.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## МАЙДОНДА АЛПОМИШУ БАРЧИНОЙЛАР

Избоскан туманидаги Пойтуғ ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида спорт-соғломлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

— Корхона ҳудудида ҳашар йўли билан волейбол, баскетбол, футбол майдонлари бунёд этдик, — дейди касабақўм раиси Сайёрахон Ботирова. — Маъмурият спорт анжомлари билан таъминлади. Барча шароитлар муҳайё этилганлиги боис ҳам тез-тез цехлараро беллашувлар ўтказиб турамиз.

Дарҳақиқат, бугун корхонанинг ўз уста шахматчи-ю, енгил атлетикачилари, боксчи-ю, полвонлари бор. Футбол жамоаси туман биринчилигида пешқадамлик қилмоқда. Айтганча, яқинда корхона ишчилари «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест синовларининг 2-босқичида фаол иштирок этиб, туманда энг юқори натижани қўлга киритдилар.

**М.АБДУКАРИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## «ЮНУСОБОД»ДА — ХАЛҚАРО ТУРНИР

**профессионал боксчилар ўртасидаги нуфузли мусобақа 9 июн куни бўлиб ўтади**

Мустақиллик йилларида юртимиз спортининг равнақ топганлиги, вакилларимизнинг жаҳон биринчиликлари, олимпиада ўйинлари ҳамда халқаро турнирларда муваффақият билан иштирок этаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, спортнинг энг оммавий турларидан саналмиш бокс бўйича ватанимиз «чарм қўлқоп» усталарининг жаҳон рейтингида кучли учликдан ўрин олганлиги қувончли ҳолдир.

Пойтахтимиз Тошкенти азимнинг нуфузли халқаро турнирлар, чемпионатлар ўтказиладиган марказга айланганлигига анча бўлди. Бинобарин, ишқибозлар юксак савияда ўтказилган қатор мусобақаларни ҳали-ҳануз фахрифтихор билан хотирлашади. Дарвоқе, тез кунларда Тошкент яна бир йирик спорт байрами билан ошуфта бўлади. 9 июн куни «Юнусобод» спорт мажмуида профессионал боксчилар ўртасида халқаро турнир ўтказилади.

Ушбу нуфузли мусобақада ватанимиз шарафини бир нечта иқтидорли профессионал боксчиларимиз ҳимоя қилишади. Айни вақтда спортчиларимиз беллашувларга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Тажрибали мураббийларимиз эса вакилларимизнинг Осиё ва Европанинг кучли боксчилари билан курашда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун машғулотларга зўр бермоқда.

**Суратларда: тайёргарлик машғулотларидан лавҳалар.**

**А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## АРЗ
(ҳазил)

*Кеча бориб*
*меҳмонга,*
*Қудаларим томонга.*
*Томоша*
*кўрсатибман,*
*Тўйдаги оломонга.*

*Даврага чиқиб олиб,*
*Кимнидир*
*чақирибман.*
*Ким кўринса кўзимга*
*«Ўйна», деб*
*бақирибман.*

*Шунда баъзи*
*бировлар*
*Қўрқанидан*
*ўйнабди.*
*Ўзимга ўхшаганлар*
*Ўйнаб, сира*
*тўймабди.*

*Бирини хафа қилиб,*
*Кейин кўз ёш*
*тўкибман.*
*Сўнгра кечирим*
*сўраб,*
*Қудаларни ўпибман.*

*Уч кун ўтди орадан,*
*Бошимни*
*ололмайман.*
*Оғайнилар келганда*
*Юзига қаролмайман.*

*Қасам ичиб айтаман:*
*Энди бошқа*
*ичмайман.*
*Сенинг эса, арақвой,*
*Гуноҳингдан*
*кечмайман.*

**Шавкат АБДУЛЛАЕВ.**

*Во, ажаб!*

## ДИРЕКТОРНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?

Қарши шаҳридаги «Ал-Исроил» хусусий фирмасининг бир йиллик фаолияти таҳлил қилинганда, фирмада 2001 йил январигача 36 миллион 26 минг сўмлик спиртли ичимлик савдоси амалга оширилгани маълум бўлди. Аммо банкка бор-йўғи 2 миллион 103,6 минг сўм нақд пул топширилган. Фирмага тегишли назорат-касса машинаси ҳатто давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтмаган.

Фирма Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят бўлимидан 2000 йил 8 июндаги шартномага кўра 10 миллион сўм кредит олган. Шундан 9 миллион 460 минг сўм ҳамда муддати ўтган 712 минг сўм кредит фоизи ҳам тўланмаган.

Хўш, энди нима бўлаяпти, дейсизми? Бугун на фирмадан, на унинг қонуний директори Исроил Қурбоновдан дарак бор! Савдо қоидаларини бузган, солиқ ҳамда бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-банди, 184-моддаси 1-банди билан айбланаётган «Ал-Исроил» фирмаси директорини кўрганлар борми?

**(ЎзА)**

Шундай шеърлар бўладики, уни такрор-такрор ўқиганингиз сайин янгидан-янги маънолар кашф этаверасиз. Қанча ўқисангиз, шунча кўнглингиз тўлиб маънавий завқ олаверасиз. Дилингиз тубида қатланиб ётган гўзал туйғуларни шеърдан топгандек бўласиз гўё...

Ўтган йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Мусфира Мунаввароннинг «Нур қибласи» номли шеърий китобчасини чоп этди. Китобнинг дастлабки саҳифасидан Ватанга бағишланган шеър ўрин олган. Ватан! Қанчалар улуғ ва мўътабар сўз. Уни ҳар ким ўз билими, иқтидори, қолаверса қалби билан ҳис қилади, севиб ардоқлайди. Лекин бундай ўйлаб қарасанг, Ватан ҳақида ёзмаган шоир, уни куйламаган санъаткор бўлмаса керак.

Мусфира Ватанга бағишланган шеърида ўзгача йўлдан боришга интилади, ташбеҳлар шеърга жон бағишлайди. Уни ўқиган сари кўз ўнгингда она-Ватан манзараси гавдаланиб бораверади...

# ВАТАН ИШҚИ

***Нонимдан олдиним,***
***Жонимдан олдин.***
***Отамга ҳокдошим,***
***Онамга номдош.***
***Боламга йўлдошим,***
***Кўнглимга бўйдош,***
***Топинган манзилим,***
***Борар манзилим.***

Шеър ниҳояланган сари ўқувчи қалбини ўзига ром этувчи сатрлар мушоҳадага бой сўзлар билан алмашинадики, ундаги маънолар дурига беихтиёр сеҳрланиб қолишингиз табиий:

***Отам номозига***
***ўхшайсан, Ватан,***
***Болам овозига***
***ўхшайсан, Ватан.***

Мусфиранинг шеърлари юрак уйидаги бир даврага ўхшайди. Бу даврани ой шам бўлиб ёритади. Ёмғир, шамол, қалдирғоч, гул...бу давра иштирокчилари. Ўртада армон, ўртада соғинч, умид...

Шоиранинг шеърларида қадимги халқ оҳангида ёзилган ўхшашликлар учраши кишини янада қувонтиради:

***Қуёш синиқлари майса***
***кўнглида,***
***Қушиқ бўлганини***
***Кўрдингми, Ёмғир!***

***

***Кўнгли гул кунларнинг***
***кўнглин кўргали***
***билардим, бир куни***
***келардинг, Ёмғир.***

***

***Кел, мендан ўзимни***
***сўрама,***
***Кел, мендан ўзингни***
***сўрагин, Ёмғир.***

***

***Камалак эгилиб***
***лабларин босар,***
***Ҳамон майсаларнинг***
***соғинчларига.***
***Яна ой қўшилиб оқа***
***бошлайди,***
***Донишманд ёмғирнинг***
***қўшиқларига.***

Чинданам ажойиб сатрлар.

*Мутолаа*

«Ёмғир» туркуми шеърларидаги сеҳру жодуга тўла сўзлар сизни гўё аллалаётгандек.

Мусфира Мунаввароннинг «Соғинчларнинг қадамлари ҳур», «Иккиликлар», «Учликлар», «Тўртликлар» каби туркум шеърларидаги ташбеҳлар ўзига хос.

Шуни айтиш керакки, айрим шеърларини китобхон тезда «ҳазм» қилолмаслиги ҳам мумкин. Боиси, фикрлар яширинча берилгандек таассурот қолдиради. Шоира, баъзида фалсафий мушоҳадага беради. Нима бўлганда ҳам ўз овозини кўрсатишга уринади.

Шеър кўп, шоирча, — дейди таниқли мунаққид Озод Шарафиддинов. Дарҳақиқат, шеър кўп. Лекин...

Мусфира шеърият майдонига ўзининг илк шеърий китобчаси билан кириб келди. Демак, янада масъулиятли дамлар бошланди.

**Баҳром МУРОДОВ.**

*Ўқинг, бу қизиқ!*

## ...НЕЧА ПУЛ ТУРАДИ?

Баъзи пулдор кишиларга нисбатан: «у пулнинг сассиғига ётолмайди» дейишади. Хўш, пулнинг чиндан ҳам ҳиди борми?

Ҳа, бор экан. Ишлатилавериб эскириб кетган пул ёки пул ўрнида юрадиган банкнотларнинг ўзига хос ҳиди бўлади. Польша давлат хазинаси ва Миллий банки мутахассислари қоғоз пулларининг қанча «умр» кўришини ва яроқсиз ҳолга келган эски пул ва банкнотлар ўрнига янгиларини чиқариш қанчага тушишини текшириб чиқишди.

Маълум бўлишича, ҳар йили Польшада эскириб ёки йиртилиб ишдан чиққанлигидан йўқотиб юбориладиган пулларнинг умумий вазни 400 тоннани ташкил қиларкан.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқаро молия мутахассисларининг эътироф этишларича, Польшанинг 1000 злотийли банкноти дунёда энг чиройли пул ҳисобланади.

## ҲАМ ПУЛИНИ, ҲАМ ДУОСИНИ

Афанди такси ҳайдар эди. Бир куни шаҳарда ҳаммага зиқналиги, хасислиги билан танилган, бировга пул беришдан кўра текинга соғ тишини суғуртиришни афзал кўрадиган чала мулла унинг машинасига ўтириб қолди. Манзилга етгач, мулла пул бермай тушиб кетишни ўйлаб сўради:

— Насриддин, сиз пул оласизми ёки дуо?

— Отам раҳматли васият қилиб эдилар: «Табаррук» одамларнинг пулини ҳам, дуосини ҳам ол, деб. Шунга амал қиламиз-да, тақсир! — деб жавоб қайтарди Афанди.

## НОМУНОСИБ ҚЎШНИ

Эшик қўнғироғи босилди. Афанди очиб қараса, бир йигит турибди.

— Уйингизни алмаштирар экансиз, эълонни ўқиб келдим, — деди у.

*Ним табассум*

— Касбингиз нима ўзи?

— Инженер.

— Бўлмайди. Дўмбирачи бўлсангиз, бошқа гап эди, — деди афанди жиддий.

— Сабаб? — сўради йигит таажжубланиб.

— Ахир, ўнг томондаги қўшним сурнайчи, чап томонимдагиси карнай-чи! — деди Афанди кулиб.

## ҚИРҚ ЙИЛЛИК СИРКА

Қўшниси афандидан сўради:

— Сизда қирқ йиллик сирка борми?

— Бор, — деди Афанди.

— Сирка дардимга шифо бераркан, савоб учун пича бермайсизми?

— Бермайман!

Қўшниси бу жавобдан ҳайрон қолиб сўради:

— Нима учун ахир?

— Агар ҳар бир сўраганга беравер сам, сиркам қирқ йиллик бўлармиди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 22.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6